O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 15 май, № 96 (4506) Пайшанба

*"Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир".*

## «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Одамзод учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлган маънавият ҳақидаги бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яқинда «Маънавият» нашриёти томонидан чоп этилган «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан ўрин олган.

Шу йил 14 май куни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг мажлислар залида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши аъзолари ва фаоллари, атоқли олимлар, файласуфлар, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва маданият намояндалари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тақдимот маросимини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Султонов қисқача кириш сўзи билан очди. Самимий мулоқот ва фикр алмашиш руҳида ўтган маросимда китобнинг маъно-мазмуни, унда илгари сурилган ғоя ва қарашларнинг бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун беқиёс аҳамиятга эга экани таъкидланди. Муаллифнинг маънавият ҳақидаги, унинг инсон, жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва таъсири тўғрисидаги кўп йиллик кузатишлари, фикр-мулоҳазаларининг маҳсули бўлган бу асар ҳар томонлама теран илмий ва ҳаётий қарашларга асослангани билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортиши эътироф этилди.

Тадбирда фалсафа фанлари доктори, профессор Қ. Назаров, таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби А. Расулов, сиёсий фанлар номзоди, доцент Н. Умарова, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Қуронов, кинорежиссёр Ж. Қосимов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, филология фанлари доктори Ш. Сирожиддинов, тележурналист О. Тошбоев ва бошқалар сўзга чиқиб, китобда ўртага қўйилган муҳим ижтимоий-маънавий масалаларнинг моҳияти хусусида атрофлича фикр билдирдилар.

Бўлиб ўтган давра суҳбатида маънавият тушунчасининг илмий-назарий, тарихий ва замонавий тамойиллари китобда ўзининг ҳар томонлама чуқур ифодасини топгани, шу билан бирга, бугунги мураккаб даврда маънавиятга қарши қаратилган таҳдидларнинг кучайиб бораётгани ва бундай хатарларнинг туб илдизлари кўрсатиб берилгани ҳам қайд этилди.

Маълумки, бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Бу ҳақиқат давлатимиз раҳбарининг олдинги асарларида ҳам кенг шарҳлаб берилган эди. Мазкур китобда бу масала янада чуқурроқ таҳлил этилади. Жамият ҳаётида, инсонлар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган тақдирда уни бегона мафкура ва қадриятлар билан тўлдиришга уринадиганлар албатта топилиши ҳаётий мисоллар орқали исботлаб берилади.

Бу китоб бугун остонамизга ёпирилиб келаётган ана шундай хавф-хатарлардан огоҳ этиб, барчамизни яна бир бор сезгирлик ва ҳушёрликка даъват қилиши, эл-юртимиз, ёшларимизни турли хил мафкуравий хуружлардан асраш борасида олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бериши тақдимот маросимида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Муаллиф ўз китобида инсонни юксалтирадиган эзгу фазилатлардан бири бўлмиш маънавий жасорат ҳақида тўхталиб, **"Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз"**, деб ёзади.

Шу маънода, бу китоб ҳар биримизни маънавий жасорат кўрсатиб, доимо юксак мақсадларни кўзлаб яшашга чорлаши билан, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## «САМАВТО»НИНГ ҚУВВАТИ ОШМОҚДА






### Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

**Автомобилсозлик дунёнинг саноқли давлатларида йўлга қўйилган. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Мамлакатимиз иқтисодиётининг бу тармоғига кейинги йилларда алоҳида эътибор қаратилиб, хориж сармояси жалб этилаётгани, ишлаб чиқаришда илғор технологиялар қўлланилаётгани янги русумдаги машиналарни ишлаб чиқариш имконини бермоқда.**

*"Самавто" очиқ акциядорлик жамиятида 2006 йили "ISUZU" русумли автобуслар тайёрлана бошланган эди. Ўтган қисқа давр ичида бу ерда 6 турдаги автобус ва юк машиналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бугун бундай қулай, сифатли, энг муҳими, мустаҳкам автоуловлар шаҳар ва қишлоқлар орасида қатнаб, йўловчилар узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган машиналар ишлаб чиқаришда жамиятнинг йиғув цехи ишчилари Ориф Нуралиев (суратда), Даврон Абулқосимов, Азамат Аҳмедов, цех бошлиғи Норим Хайруллаев, айниқса, жонбозлик кўрсатишмоқда.*

*Корхонанинг 700 кишилик жамоаси янги турдаги машиналар ишлаб чиқариш мақсадида доимо изланишда. Бунинг самараси ўлароқ, яқинда 20 тонна юк ташишга мўлжалланган машина йиғишга киришилди. У ҳадемай ўз эгаларига етказилади.*

**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

## ЕРЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ

***Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан биргаликда «Экин майдонларидан самарали фойдаланиш масалалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

Давра суҳбати иштирокчилари Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакат қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар салмоқли натижалар бераётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига, унинг «локомотиви»га айланган фермер хўжаликлари пахтанинг ялпи ҳажми, буғдой, шунингдек, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми етиштирилишини ишончли тарзда таъминламоқда.

Тупроқ унумдорлигини яхшилаш, экин майдонлари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг, «Ер тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларининг тегишли моддаларида, шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ер муносабатлари ҳозирги ва келгуси авлодларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда тартибга солинмоқда, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва оширишнинг, табиий муҳитни сақлаш ва яхшилашнинг ҳуқуқий асосини таъминламоқда.

Экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ажралмас қисмидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қишлоқда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг мантиқий давоми, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини ошириш ҳақидаги чинакам ғамхўрлик тимсоли бўлди.

(Давоми 2-бетда).

**Кеча пойтахтимизда МДҲ мамлакатлари онколог ва радиологларининг V съезди очилди. Ушбу халқаро анжуманда Ҳамдўстлик давлатлари билан бирга Канада, Буюк Британия, Германия, Голландия, Швеция, Швейцария, Бельгия, Чехия, Ҳиндистон, Польша сингари жаҳоннинг 22 мамлакатидан 1400 нафар вакил қатнашмоқда.**

## Жаҳон онкологлари Тошкентда

Бундай юксак даражадаги халқаро анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши, шубҳасиз, мамлакатимиз тиббиёт соҳасида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг муносиб эътирофидир. Юртимизда бошқа соҳалар қатори соғлиқни сақлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон учун, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида амалга оширилаётганлигини анжуман иштирокчилари алоҳида таъкидлашди. Зеро, замонавий, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат

(Давоми 2-бетда).

## Замонавий техникалар намойиши

*Кеча Тошкентда "Сенинг уйинг — 2008" ва "Тасвир. Нур. Овоз — 2008" халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалари иш бошлади.*

Бу тадбирларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда хориж ишбилармонлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилгани уларнинг юртимизга бўлган қизиқишини тобора оширмоқда. Буни ташкил этилаётган кўргазма-савдоларда қатнашиш

### Кўргазма

таклифини билдираётган давлатлар ва ташкилотлар сони йил сайин кўпаяётгани ҳам кўрсатиб турибди.

16 майгача давом этадиган мазкур нуфузли тадбир "IEG Uzbekistan" компанияси томонидан "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси билан Россиянинг савдо компаниялари ҳамда Электр маиший жиҳозлар ва компьютер техникаси маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари (РАТЭК) уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Германия, Хитой, Россия, Франция сингари дунёнинг 10 дан зиёд давлатларининг 30 га яқин фирма ва компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Тадбирга ташриф буюрганлар намойиш этилаётган маҳсулотларга катта қизиқиш билдиришди. Негаки, кўргазма залларидан аудиовидео техникалари, телевизор ва DVD-плеерлар, маиший ҳамда электрон жиҳозларнинг бутунлай янги авлоди жой олган. Улар нафақат ўзининг бежирим дизайни, балки ўта замонавийлиги ва тежамкорлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, Словениянинг "Gorenje" компанияси музлаткичлари турдошларига нисбатан электр энергиясини 30 фоизгача кам сарфлар экан. Бундай рўзғор буюмлари эса "Fourintrans HITJI" Ўзбекистон — Словения қўшма корхонаси томонидан тақдим этилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари машъаласини Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида қуёш нурларидан ўт олдириш анъанага айланган.**

### Машъала Нукусга йўл олди



Ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг Нукус шаҳрида бўлиб ўтадиган "Баркамол авлод — 2008" спорт мусобақалари машъаласи ҳам 14 май куни ана шу ерда аланга олдирилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, талаба-ёшлар, спортчилар, санъаткорлар иштирок этди.

Юртимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш ва оммавийлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ёшларимиз орасидан халқаро

(Давоми 8-бетда).

**15 май – Халқаро оила куни**

**Оила — жамиятнинг кичик бўғини, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказувчи табаррук маскан. Шу боис, халқимиз азалдан ушбу мўътабар даргоҳни эъзозлаб, унинг жамият ҳаётидаги мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келади.**

### МУҚАДДАС МАСКАН

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида Халқаро оила кунига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди. Унда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари, вазирлик, идора, ишлаб чиқариш муассасалари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

(Давоми 3-бетда).

### Меҳнат ярмаркаси



Қораўзак тумани прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 22 корхона ва ташкилот 73 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркада иштирок этган 105 фуқаронинг 62 нафари ишли бўлди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Маҳаллийлаштириш дастури асосида Навоий вилоятида бентонит кукуни, оловга чидамли шамот, куйдирилган ва қуритилган фосконцентрат уни сингари янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.***

### Маҳаллийлаштириш дастури натижаси

Айниқса, «Қизилқумцемент» ОАЖ маҳсулоти — оловга чидамли шамот тўлиқ маҳаллий хом ашёдан тайёрланаяпти. Натижада, шу йилнинг биринчи чораги давомида 97,7 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ тежалди. Айни пайтда вилоят корхоналарида яна кўплаб турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, энг муҳими, уларни тайёрлашда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш юзасидан изланишлар олиб борилаяпти.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Бир рақам шарҳи







**2008** йилда мамлакатимизда мазкур Давлат дастурида кўзда тутилган мақсадлар учун **1,5** триллион сўм ажратилади.

**Шунча миқдордаги маблағнинг ўзлаштирилиши натижасида эса, ёшлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади, улар учун янги иш ўринлари яратилади, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитлари яхшиланади, йигит-қизларнинг таълим сифати юксалтирилади.**

***Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жиноий жазо тизимининг либераллаштирилганлиги, ўлим жазосининг бекор қилингани, санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилганлиги шулар жумласидандир. Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда адвокатура фаолиятининг кучайтирилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.***

# ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Чунончи, айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлашга устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Бунинг учун тегишли ҳуқуқий асослар яратилган. Бунда 1996 йил 27 декабрда мамлакатимизда илк бор "Адвокатура тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлигини ёдга олишимиз даркор. Адвокатнинг дахлсизлиги, фаолиятининг кафолатлари ва бошқа муносабатларни тартибга солувчи яна бир муҳим ҳужжат — "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1998 йил 25 декабрдан кучга киргани эса соҳа фаолиятида муҳим аҳамият касб этди.

Бу борадаги изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2008 йил 1 майда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони имзоланди.

Дарҳақиқат, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла даражада рўёбга чиқишини, демократик давлатни кучайтирилган адвокатура институтисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, у одилликнинг қарор топишига, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишининг олдини олишга хизмат қилади. Юқорида номи зикр этилган Фармон адвокатура институтини ислоҳ қилишнинг истиқболдаги асосий йўналишларини белгилаб берди. Бошқача айтганда, бу билан соҳани ислоҳ этишнинг янги босқичига ўтилди. Мазкур ҳужжат фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини янада мустаҳкамлайди. Зотан, Конституциямизнинг 116-моддасида фуқароларнинг ушбу ҳуқуқи алоҳида эътироф этилган. Адвокатуранинг самарали, ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизимини ташкил қилиш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Фармонда белгиланганидек, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташини белгилаш, шунингдек, бошқа бир қатор талаблар адвокатлик касбига нолойиқ шахсларнинг ушбу соҳага кириб келишига барҳам беради. Бундан, энг аввало, соҳада фаолият юритаётганларнинг ўзлари манфаатдор эканликларини таъкидлаш жоиз. Зеро, жамиятда адвокатлик касби обрўси ва нуфузининг ошиши, кўп жиҳатдан, адвокатурани ҳалол ва касб маҳорати юқори мутахассислар билан тўлдиришга боғлиқдир. Бу борада хорижий давлатларда шаклланган қонунчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, Англия, Франция, Германия, Италия, Бельгия, Голландия, Швеция, Болгария, Польша, Руминия, Чехия, Россия каби давлатларда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олиш учун олти ойдан беш йилгача мажбурий юридик ёки махсус стажга эга бўлиш талаб қилинади.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир шахснинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи Конституциямизда кафолатлаб қўйилганлигини юқорида қайд этгандик. Малакали юридик ёрдам эса ўз соҳасининг мутахас-

### ▼ Фармон ва ижро

сиси бўлган шахслар, яъни адвокатлар томонидан берилиши мақсадга мувофиқдир. Аммо мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигида ҳимоячи сифатида ишда қатнашиши мумкин бўлган шахслар доираси кенг. Шу боис, амалиётда ишончнома асосида тергов ва суд жараёнларида ҳимоячи сифатида юридик маълумотга эга бўлмаган ёки лицензиядан маҳрум қилинган шахсларнинг иштирок этаётганлиги кузатилаётган эди. Бизнингча, суд ишларини юритишда ҳимоячи (вакил) сифатида иштирок этувчи шахсларга нисбатан ҳуқуқшунослик соҳаси билимига эга бўлиш каби талабларнинг қўйилиши юқоридаги сингари ҳолатларга барҳам беради. Шу ўринда айрим давлатлар қонунчилик тажрибасида судлов ишларида ҳимоячи (вакил) сифатида фақат адвокатларнинг иштирок этиши мумкинлиги белгиланганлигини ҳам қайд этишимиз даркор. Хусусан, Арманистон қонунчилигига биноан, жиноят ишларининг судда кўрилишида ҳимояни амалга ошириш вазифаси адвокатларга юклатилган. Бошқа шахсларнинг ҳимоячи сифатида қатнашишларига йўл қўйилмайди. Россия ва Беларусь қонунчилигига кўра эса, адвокат мақомига эга бўлмаган шахс ҳимоячи сифатида фақат адвокат билан биргаликда судда жиноят ишининг кўрилишида иштирок этиши мумкин.

Фармонда адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий мақомини белгилаш адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қайд этилди. Амалдаги қонунчилик республикада адвокатлик тузилмасининг ташкилий шакллари — адвокатлар бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари, шунингдек, адвокатлар бирлашмалари фаолият кўрсатишини назарда тутган. Аммо у барча адвокатларни бирлаштирувчи ўзини ўзи бошқарув органларини ташкил этиш масалаларини акс эттирмаган эди. Айни пайтда адвокатларнинг касбий бирлашмаси сифатида Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси фаолият юритмоқда. Унга аъзолик ихтиёрий. Шу боис, республикада касбий фаолият билан шуғулланаётган адвокатларнинг 2080 нафари Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси аъзосидир. Улардан 1114 нафари мунтазам равишда аъзолик бадалларини тўлаб борадилар. Мавжуд аъзоларнинг қарийб 80 фоизи эса адвокатлар ҳайъатида фаолият кўрсатаётган адвокатлардан иборат. Бу эса адвокатлик фирма ва бюроларида фаолият юритаётган адвокатларнинг касбий фаолияти, улар томонидан аҳолига тақдим этилаётган юридик ёрдам сифати назоратдан четда қолиб кетишига сабаб бўлаётган эди. Фармонда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилангани мазкур камчиликларга барҳам бериши шубҳасиз.

Адвокатлар палатаси адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириб бориб, ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий тузилмалари билан биргаликда, адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади. Таъкидлаш керакки, марказлашган ягона бошқарувнинг ташкил этилиши улар фаолиятининг уйғунлигини, адвокатлик касбига қўйилган юксак талабларни таъминлайди, кўрсатиладиган малакали юридик ёрдам сифатини кафолатлайди, қолаверса, уларнинг касбий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имконини беради. Айрим хорижий давлатларнинг (Германия, Франция, Австрия, Италия, Венгрия, Россия, Беларусь, Украина, Қозоғистон, Молдова) адвокатура фаолиятини тартибга солувчи қонунчилигида адвокатлик тузилмаларини ягона марказий адвокатлар коллегиялари ёки адвокатлар палатасига бирлашишининг мажбурийлигини назарда тутувчи, шунингдек, адвокатлар касбий ташкилотига аъзо бўлмаган шахснинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишини тақиқловчи нормалар мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатловчи норманинг амалга оширилишини таъминлайди. Шу орқали инсон, унинг манфаатлари ҳимоясини кафолатлашга хизмат қилади. Қолаверса, босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг таркибий қисми бўлган адвокатура институтини жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, фуқаролик жамиятини барпо этишда тутган ўрни ҳамда мавқеини янада оширишни назарда тутади.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**
**Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоди, доцент.**

# ЕРЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳокама асносида давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганларидек, деҳқончиликнинг яқин келгусидаги асосий вазифаси тупроқ унумдорлигини оширишдан, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини анчагина кўтаришдан иборат бўлмоғи керак. Бу вазифани ер ресурсларидан оқилона фойдаланмасдан туриб, тупроқни турли емирилиш ва ифлосланишлардан сақлаш, ерларни қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун табақалаштирилган тарзда ажратиш чора-тадбирларини кучайтирмасдан бажариб бўлмайди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизмларини янада яхшилаш, тупроқ унумдорлигини оширишга йўналтирилган иқтисодий ва муҳандислик-техникавий тадбирларни амалга ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ердан фойдаланишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини баён этдилар. Муҳокама якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Тадбирда сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастри давлат қўмитаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарлари ҳамда мутахассислари, Фанлар академияси, Тошкент давлат аграр университети олимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

# Замонавий техникалар намойиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

— "Gorenje" ишлаб чиқарилаётган маиший техникаларнинг сифати ва миқдорига кўра, Европадаги кучли еттиликдан жой олган, — дейди "Fourintrans HITJI" Ўзбекистон — Словения қўшма корхонаси менежери Нигора Исматова. — Нега деганда, компанияда йилига 1 миллиондан ортиқ музлаткич, 900 минг дона плита, 500 мингдан зиёд кир ювиш машинаси ва қуритиш ускуналари – жами 2,5 миллионтадан кўпроқ маиший техникалар ишлаб чиқарилади. Мана, бир неча йилдирки, бу маҳсулотлар юртимиз истеъмолчиларига бизнинг қўшма корхонамиз орқали етказиб берилмоқда. Кўргазма давомида кўплаб янги шериклар топиб, улар билан олди-сотди бўйича келишувга эришишимизга ишончим комил.

Кўргазма иштирокчиларининг аксариятида "HI-FI, HI-END", яъни "ақлли уй" тизими катта қизиқиш уйғотмоқда. Тақдим этувчиларнинг айтишича, бу ўта замонавий тизим уй соҳибига қулайлик яратиб, хавфсизлигини таъминлайди. Бошқача айтганда, барча хонадон ускуналари ягона тизимга бирлаштирилиб, битта пульт орқали бошқарилади.

Кино саноати маҳсулотлари учун ажратилган майдонлар ҳам иштирокчилар билан гавжум. Эътиборимизни Хитойнинг "Polystar" компаниясининг ранг-баранг маҳсулотлари — дисклар тортди. 350 нафар киши меҳнат қилаётган бу компания дунёнинг 25 дан зиёд етакчи фирма ва ташкилотларига 30 хилдаги тасвир, овоз ёзиш ҳамда бошқа турдаги дисклар етказиб беради.

— Ўзбекистонда илк бор бўлишим, — дейди компаниянинг Марказий Осиё давлатлари бўйича савдо менежери Му Шингфу. — Таассуротларим бир жаҳон. Мени, айниқса, юртингизнинг гўзал табиати, сўлим Тошкент шаҳри ром этди. Кўргазма эса юқори савияда ташкил этилибди. Очиғи, бу ерда маҳсулотларимизга талаб бунчалик юқори бўлишини кутмагандим. Биринчи куниёқ кўплаб ҳамкорлар топдик.

Ташкилотчиларнинг фикрича, иккала кўргазма бир пайтда ўтказилишининг қатор сабаблари бор. Аввало, уларнинг йўналишлари ўзаро яқин, мазмунан бир-бирини тўлдиради. Чунки техника тараққиёти туфайли кино саноати ускуна ва жиҳозлари хонадонларга кириб бормоқда. Қолаверса, овоз ва тасвир ёзиш, улар устида ишлаш жиҳозлари орасида ҳаваскорлар учун мўлжаллanganлари ҳам бор. Бу эса кўргазмаларнинг ишчан руҳда ва самарали ўтишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Жаҳон онкологлари Тошкентда

(Давоми. Боши 1-бетда).

тизимини шакллантириш бу, ўз-ўзидан, баркамол авлодни камол топтириш, миллат саломатлигини асраш масаласи билан узвий боғлиқдир.

Соғлиқни сақлашга оид ҳуқуқий ҳужжатларда тиббий хизмат кўрсатишнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўтган давр ичида мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан қатор самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатимизда онкология ва радиология соҳаларида ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Мазкур тадбир ўз ўрнида онкология фанининг янада тараққий этишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ўзбек шифокорлари меҳнатига берилган юксак баҳодир.

— Ўзбекистон тиббиётида қўлга кири-

### ▼ Халқаро анжуман

тилаётган ютуқлар, ҳақиқатан ҳам, салмоқли, — дейди МДҲ онколог, радиолог ва рентгенологлар марказлари ва институтлари директорлар ассоциацияси президенти, Россия тиббиёт фанлари академияси президенти, академик М. Давидов. — Шубҳасиз, бундай изчиллик билан янгиликка интилиш тиббиётнинг янада ривожланишида муҳим мезон саналади. Чунки бугун соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бунга қатъий ишонч ҳосил қилиш учун етарли асос бўла олади.

Анжуманда онкология фани ривожи билан боғлиқ кўпгина масалалар кўриб чиқилади. Ўсма касалликларининг олдини олиш ва эрта ташхис қўйиш, онкология ва радиология соҳасидаги янги технологиялар, ўсма касалликларини комплекс даволашнинг долзарб масалалари таҳлил этилади. Бу борада Ҳамдўстлик давлатлари етакчи мутахассисларининг замонавий онкологиянинг долзарб мавзуларига бағишланган маърузалар билан чиқиши кутилмоқда.

Шунингдек, тадбир давомида Европа онкологлар мактаби курслари ташкил этилиб, ёш олимларга онкология ва радиологиянинг турли йўналишлари бўйича маълумотлар берилади. Шу маънода, айтиш мумкинки, мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтаётган ушбу халқаро анжуман жаҳон онкология фанини янада ривожлантириш ва аҳли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида жамланган қимматли тажрибалар намойиши сифатида муҳим воқеа бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЗЛАНИШЛАР МЕВАСИ

***Пахтаобод туманидаги "Маданият интернейшнл" масъулияти чекланган жамиятида модернизациялаш ва ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ этиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.***



Жумладан, ишлаб чиқариш цехлари Германия, Россия, Япония, Чехия сингари давлатларнинг етакчи компания ва фирмаларида ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланди. Натижада, маҳсулот ҳажми ҳамда сифати тубдан яхшиланди. Етмиш нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилаётган жамоада бугунги кунда буюртма асосида йигирма турдан ортиқ тайёр кийимлар ишлаб чиқарилаяпти. Ўн нафар ишчи эса касаначилик билан шуғулланмоқда.

**СУРАТДА:** тикувчи Гулчеҳра Обидохунова.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

Жараёнда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қувватлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Наманган вилояти корхоналарида бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, жорий йилнинг биринчи чорагида бу ерда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7 фоизга ўсди. Бунда саноат маҳсулотлари ҳиссаси 95,4 миллиард сўмликка, халқ истеъмоли моллари 46,4 миллиард сўмликка тўғри келди. Эътиборлиси, бу кўрсаткичларнинг 16,3 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тегишлидир.

# МОДЕРНИЗАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ана шу ютуқларга, аввало, барқарор фаолият кўрсатаётган жамоаларнинг самарали меҳнати, ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, манфаатдорлигини ошириш сингари қатор омиллар туфайли эришилди. Мисол учун, «Наманганмаш» акциядорлик жамиятини олиб кўрайлик. Машинасозлар кейинги пайтларда қувватлардан фойдаланиш даражасини 92 фоизга кўтариб, ишловчилар сонини салкам 400 кишига етказишди. Корхонада тайёрланаётган 30 дан ортиқ турдаги сурма қопқоқларга ички бозорда ҳам, хорижда ҳам талаб юқори. Ўсиш суръатлари уч ойда 122,5 фоизни ташкил этгани ёки 437,1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани шундан далолат беради. Унинг 67,9 минг АҚШ долларига тенг қисми экспортга чиқарилди.

Яна бир муҳим жиҳати, жамоада Маҳаллийлаштириш дастурини ижро этиш туфайли четдан хом ашё келтиришга мўлжалланган 432 минг АҚШ доллари миқдоридаги валюта тежаб қолинди.

Бундай қувончли натижалар «Муштарий» ва «Нестле Ўзбекистон» қўшма корхоналари, «Ўзэлектротерм», «Наманганвино», «Электр қурилмалари» акциядорлик жамиятлари каби ўнлаб жамоалар фаолиятида ҳам кўзга ташланади.

Дарҳақиқат, модернизациялаш орқали технологияни янгилаб бориш ишлаб чиқарувчининг давр билан ҳамқадам юришини таъминламоқда. Жорий йилда мазкур йўналишдаги дастурга киритилган субъектлар орасида «Учқўрғонёғ» акциядорлик жамияти ҳам бор. Қайта ишловчилар ўз маблағлари ҳисобидан 203,5 миллион сўм сарфлаб, Хитойдан ёғни ҳидсизлантирувчи технологик линияни олиб келишди. Айни пайтда уни ўрнатиш ишлари қизғин давом этмоқда. «Наманганёғ»да эса хўжалик совуни тайёрлаш билан боғлиқ технологияни жорий этишга киришилди.

Бундан ташқари, шу йилнинг биринчи чорагида тўртта корхона ўз маблағлари ҳисобидан 212,7 миллион сўмлик иш бажариб, технологияларини янгилаб олди. Жумладан, «Наманганвино»да коньяк

### ▼ Жараён

спирти ишлаб чиқариш линияси ўрнатилган бўлса, Косонсой туманидаги «Дастурхон безаги» кичик корхонасида қолипли нон, Уйчидаги «Син-Нам» қўшма корхонасида эса нотўқима мато тайёрлаш йўлга қўйилди.

Айтиш керакки, вилоятда вужудга келган соғлом инвестиция муҳити хорижлик ҳамкорлар сафини тобора кенгайтирмоқда. Бу, ўз навбатида, четдан жалб этилган сармоя ҳисобига жойларда янги қувватларни ишга тушириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини юксалтириш имконини бермоқда. Хусусан, «Муштарий» акциядорлик жамиятининг илгари юзлаб киши ишлаган 5-цехи бир неча йилдан буён ҳувиллаб ётарди. Унинг негизида қўшма корхона ташкил этиш лойиҳасига кўра, хорижлик ҳамкорлар 735,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя билан улуш қўшгач, реконструкция тадбирлари амалга оширилди. Ҳозирда 200 нафар чевар меҳнат қилаётган янги корхонада йилига бир миллиард 250 миллион сўмлик замонавий либослар тикиш мўлжалланмоқда.

— Хорижий инвестицияларни жалб этиш дастурига мувофиқ, яна 6 та йирик лойиҳа амалиётга жорий қилинмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Ибрагимов. — Бу иншоотларда тўғридан-тўғри киритилган сармоялар ҳисобига импорт ўрнини босувчи пиво ва салқин ичимликлар, парранда гўшти, эркаклар кўйлаги сингари янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Экспорт — корхона кўзгуси. Вилоят ташқи савдо айланмасида унинг ҳажми муттасил ортиб бораётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Масалан, ўтган биринчи чоракда ташқи бозорга 26,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,7 фоиз ўсишга эришилди.

Бироқ вилоятда 9 та корхонада ишлаб чиқариш ҳажмлари 2,8 миллиард сўмликка камайтириб юборилгани билан муроса қилиб бўлмайди, албатта. Улар орасида «Муслимтекс», «Намимпекстекстиль», «Ширинлик» сингари корхоналар бор. Бу ишлаб чиқариш субъектларида иш тўғри ташкил этилмагани, меҳнат аҳлининг моддий манфаатдорлиги етарли даражада эмаслиги, хом ашё етказиб бериш бўйича шартномаларнинг юзаки тузилгани, мавжуд қувватлардан унумли фойдаланилмаётгани туфайли шундай қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Қаердаки, модернизациялаш яхши йўлга қўйилаётган бўлса, ўша жойда ютуқлар қўлга киритилаяпти. Демак, 9 та корхонада ҳам модернизациялаш жараёнини амалга ошириш орқалигина кўзланган муддао ушалиши табиий. Зеро, модернизациясиз тараққиётга эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДЎППИДЎЗ ҚИЗЛАР БАҲСИ

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ёшларимизда миллий ҳунармандчиликка қизиқишни ошириш мақсадида дўппидўз қизлар ўртасида ташкил этилган кўрик-танлов Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам қизғин руҳда ўтмоқда.***

Гулистон шаҳрида ўтказилган танловда етти қиз дўппидўзлик бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Танлов доирасида намойиш этилган кўргазмада қизлар тиккан бежирим дўппилар ва зардўзлик буюмлари барчада қизиқиш уйғотди. Натижага кўра, шаҳардаги Муқимий номидаги маҳалла вакили Мадина Ҳожиева ҳамда саноат ва қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дилноза Қўшбоқова ғолиб, деб топилди.

### ▼ Танлов

Ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Д. ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЁШЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ



***17-20 май кунлари Қорақалпоғистонда касб ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари финал босқичи бўлиб ўтади.***

***Иродаси мустаҳкам, беллашувларда чиниққан ёшларни тарбиялаш юртимизда устувор вазифалар сифатида белгиланган. Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан ёшларни узлуксиз спортга жалб этишнинг уч босқичли тизимига асос солинди. Булар умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида уюштириладиган "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" мусобақаларидир. Эътиборлиси, бу тизимдан мамлакатимизнинг барча ёшлари ўтади. Жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида учрамайдиган ушбу узлуксиз спорт тизими ёшларни оммавий спортга жалб этишда муҳим аҳамиятга эга.***

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мусобақалар муносабати билан жойларда бири-биридан гўзал замонавий спорт иншоотлари қад ростлаяпти, одамларнинг спортга муносабати яхши томонга ўзгараяпти. Ёшларимизда спорт майдонларида бир миллат бўлиб юрт шарафини ҳимоя қилиш ғояси шаклланмоқда. Эътиборлиси, йилдан-йилга мусобақалар савияси ошиб бораяпти. "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари олдидан Қорақалпоғистонда ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Нукус Олимпия захиралари коллежидаги замонавий сузиш ҳавзаси, Нукус спорт коллежидаги муҳташам стадион ва бошқа мажмуалар қорақалпоғистонлик ёшлар учун ажойиб совға бўлди.

— "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг саралаш босқичида 700 минг нафардан ортиқ ўқувчи қатнашди, — дейди Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг бош мутахассиси Саъдулла Қурбонов. — Финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1596 нафар ўқувчи ёшлар баскетбол, волейбол, миллий кураш, белбоғли кураш, футбол, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, сузиш, шахмат, қўл тўпи, бадиий гимнастика каби спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро баҳс юритадилар. Беллашувлар Нукус ва Тахиатош шаҳарлари, Хўжайли ҳамда Кегайли туманларидаги замонавий спорт мажмуаларида ўтказилади. Спорт ўйинлари дастуридаги баскетбол, волейбол, футбол мусобақалари Олимпия тизимида уюштирилади.

### Арафа

— Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан миннатдормиз, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Насибали Мамбетризаева. — 2008 йилнинг Ёшлар йили, деб эълон қилинганлиги ҳам фикримизни исботлайди. Мамлакатни спортчалик дунёга тез танитадиган восита йўқ. "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг Қорақалпоғистонда ўтаётгани бизлар учун жуда қувончли воқеадир. Барча тенгдошларимга мусобақаларда омад тилайман.

Ҳар галгидек, ўйинлар машъаласи бу сафар ҳам Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуёш ўчоғида ёқилиб, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан ташкил қилинган махсус автомобиллар кортежи ҳамроҳлигида спортчи-ёшлар томонидан Нукус шаҳрига етказилади. Мусобақа машъаласи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Ласетти", "Нексия", "Матиз" ва "Дамас" машиналарида олиб борилади.

Низомга мувофиқ, мусобақалар халқаро олимпия талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади. Холислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, тотувлик каби олимпиада қадриятлари мазкур тизимдаги спорт ўйинларининг доимо бош мезони бўлиб қолади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Машъала Нукусга йўл олди

(Давоми. Боши 1-бетда).

майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир кўплаб спортчилар етишиб чиқмоқда. Халқимиз улар билан ҳақли равишда фахрланади.

...Давлатимиз мадҳияси янграйди.

Қуёш нурларидан аланга олган "Баркамол авлод — 2008" машъаласини кемамодель бўйича жаҳон чемпиони Шавкат Исматиллаев ҳамда авиа ва ракетамодель бўйича Осиё чемпиони Константин Балахонов майдонга олиб киради. Улар машъалани енгил атлетика бўйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпиони, Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги академик лицей ўқувчиси Жандос Жалиловга тантанали равишда топширади. Машъала Қорақалпоғистон сари йўл олди.

"Баркамол авлод — 2008" машъаласи олиб ўтиладиган шаҳар ва қишлоқларда тантанали маросимлар ўтказилади. Уларда таниқли шоир ва ёзувчилар, ёшлар, санъаткорлар иштирок этади. Жумладан, Тошкент шаҳар Бектемир туманида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар, спортчилар иштирок этди. Куй-қўшиқлар рақсларга уланиб кетди.

— "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг ҳар қачонгидан ҳам юксак савияда ташкил этилаётганини кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилмоқда, — дейди муай-тай бўйича жаҳон чемпиони Нурман Алламбергенов. — Давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга берилаётган бундай катта эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз, билдирилган ишончни оқлашимиз, барча соҳаларда фаоллик кўрсатишимиз, ўзимизнинг ақл-идрокимиз ва самарали меҳнатимиз билан Ватанимиз ва халқимизнинг нуфузини янада баланд кўтаришимиз зарур.

"Баркамол авлод — 2008" спорт мусобақалари машъаласи Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидан ўтиб, бугун Навоий вилояти томон йўл олади.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**


МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.



МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru





SMS байрами

SMS-Пакетлар

| SMS-Пакетлар | Пакетлардаги SMSлар сони | Пакет нархи | Пакетни активлаштириш учун USSD-команда |
|---|---|---|---|
| "SMS 60" | 60 | $1 | *111*017*1# |
| "SMS 150" | 150 | $2 | *111*017*2# |
| "SMS 250" | 250 | $3 | *111*017*3# |

Қанча кўп бўлса, шунча арзон!

Битта рақамга бир вақтнинг ўзида иккита «SMS-пакет» улаш мумкин.
Акция 2008 йил 31 майгача амалда бўлади.

Тўлов ҳар бир пакетни активлаштирганда абонент ҳисобидан олинади.
Ҳар бир SMS-пакетга киритилган хабарлардан активлаштириш кунидан бошлаб 30 кун ичида фойдаланиш мумкин.

Халқаро чиқувчи SMS-хабарлар ва контент-провайдерлар хизматлари бўйича SMS-маълумотлар ўрнатилган тарифлар бўйича нархланади.

мтс алоқа оператори мтс

0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 www.mts.uz / wap.mts.uz

Хизматлар лицензияланган.


## МАДАНИЯТ хабарлари

### «Ниҳол»нинг илк босқичи



***Хива ҳамда Боғот туманларида "Ниҳол" мукофоти танловининг туман босқичи ўтказилди.***

Кўрикда академик ва анъанавий хонандалик, мусиқа, миллий эстрада, рақс, чолғу ижрочилиги йўналишлари бўйича 326 нафар ёш истеъдод соҳиби қатнашди. Эндиликда иштирокчиларнинг 42 нафари танловнинг вилоят босқичида ўз иқтидорини синовдан ўтказади.

Тадбир сўнгида ғолиблар вилоят ҳокимлиги ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ҳусан БУРҲОНОВ.**

### Аския ва қизиқчилик кўриги

***Бухоро шаҳридаги Сомонийлар номли маданият ва истироҳат боғида аскиячи ва қизиқчилар ижодига бағишланган анъанавий республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.***



Унда аския йўналиши бўйича вобкентлик санъаткорлар гуруҳи, қизиқчиликда Жондор туманининг "Эътиқод" халқ театри қошидаги миниатюрачилар студияси ғолиб деб топилди. Эндиликда улар Андижон вилоятида бўлиб ўтадиган асосий беллашувда иштирок этишади.

**Мухтасар КАРИМОВА.**

### Нуронийлар зиёрати

***Наманган шаҳри ҳокимлиги ташаббуси билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган, айни дамда кексалик гаштини сураётган бир гуруҳ нуронийлар учун ажойиб саёҳат уюштирилди.***

Улар кўҳна Марғилон ва Фарғона шаҳарларида бўлишиб, диққатга сазовор масканларни зиёрат қилишди. Айниқса, Марғилон шаҳридаги тарих музейи, Ёшлар хиёбони, Пири Сиддиқ зиёратгоҳи, Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуаси сингари масканларнинг ободлиги, бу ерда олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари фахрийлар қўнглини тоғдек кўтарди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**


ВЕРСАЛЬ

МИР обоев

Erismann

палитра

Российский линолеум

Тел. 234-48-11

Факс 234-49-58

Товар сертифицирован.

Форма оплаты — любая.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси жамоаси масъул ходим Нурмурод Рамазоновга онаси

**Ойима ая САФОЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети жамоаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти директори Шокир Расулович Пидаевга ўғли

**Жаҳонгир Шокирович ПИДАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «ЭКОСАН» ташкилоти бошқаруви аъзоси, «ЭКОСАН» Фахрийлар уюшмаси раиси Мадамин Ҳасанович Ҳасановга фарзанди

**Абдухалил Мадаминович ҲАСАНОВнинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.


INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч,13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6 8